

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган



ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 58 (11.869)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Қарор ва ижро

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИГА ЭЪТИБОР

Мамлакатимизда Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури доирасида аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ҳар томонлама соғлом авлод туғилиши ва вояга етиши учун зарур шарт-шароит яратиш борасидаги ишлар изчил давом этмоқда.

Учтепа туманинг 25- оиласиий поликлиникада мазкур давлат дастури, Президентимизнинг 2009 йилдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза килиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги хамда «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънивий баркамол авлодни вояга етиши учун зарур шарт-шароит яратиш борасидаги ишлар изчил давом этмоқда.

— Тиббийт муассасасиз 500 қатновга мўлжалланган бўлиб, 32,2 мингга якін аҳолига хизмат кўрсатмоқда, — дейди баш шифкор Саида Расуловна. — Поликлиника 2001 йилдан тўлиқ оила шифкори тизимига ўтиб, бугунги кунда 20 нафар шифкор ушбу йўналишда фаолият юритмоқда.

Дилором ИКРОМОВА
Козим Үлмасов
олган сурат

шқармаси таклифи билан ҳар ойнинг иккичи хафтасида саломатлик кунлари ўтказилди. Шунингдек, ҳар пайшанба куни маҳаллалarda хотин-кизлар иштирокида учрашувлар, мутахассислар билан давра сухбатлари ташкил этилоқда. Туғиш ёшидаги аёллар, ўсмири қизлар ва 14 ёшга бўлган болалар чукурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилиб, касалликари бор бўлганлар соғломлаштирилмоқда. «Чўпон ота», «Бирлиқ», «Гузар», «Богистон», «Богобод» маҳаллаларида, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Солик академиясида «Соғлом она — соғлом бола», «Йод танқислиги», «Соғлом турмуш тарзи» мавзуларида мутахассислар иштирокида кўплаб тадбирлар ташкил килинмоқда. Мақсадимиз, аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, она ва бола соғлигини муҳофаза килиш, соғлом авлодни вояга етишишdir.

Дилором ИКРОМОВА
Козим Үлмасов
олган сурат

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар
хокимигининг Аҳборот
хизмати ва ўз мухоббларимиз
хабарларидан.

✓ **БУГУН** Мирзо Улуғбек ту манидаги Ўқувчилар ижодиёти марказида «Камалак-2011» фестивалининг туман босқичи бўлиб ўтди.

✓ **ЭРТАГА** Саломатлик ва тиббий статистика институти шаҳар филиалида «Соғлом турмуш тарзи» шиори остида мактаб ўқувчилари ўртасида кўрик-танловнинг шаҳар босқичи ўтказилади.

✓ **ЭРТАГА** Ўзбекистон Миллий университетининг маданият саройида Ўзбек Миллий академик драма театри актёрларининг талабалар билан ижодий учрашуби бўлиб ўтади.

XXI садоси аср

БАРЧА МАНБАЛАРДАН
ОЛИНГАН СҮНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Қарши шаҳрида «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг хукуқий мақоми: ҳолати ва истиқболлари» мавзууда минтақаларaro илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Баш прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон хукуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Савдо-саноат палатаси ва Қашқадарё вилояти ҳокимлиги хамкорлигига ташкил этилган конференция Кашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида фаолият юритаётган тадбиркорлар, прокуратура, солик, божхона ва ички ишлар органлари ҳодимлари, банк ва молия муассасалари ҳамда бозор инфратузилмаси ташкиллари вакиллари, хукуқшунос олимлар иштирок этди.

• Қорақалпогистон Республикаси Ҳўжайли туманига «Isuzu» русумли бешта янги автобус келтирилиб, фойдаланишга топширилди. Йил давомида Қорақалпогистонга яна 85 та ана шундай автоуловларни келтириш режалаштирилган.

• Андижон вилояти ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими тизимидағи 8 та ўкув муассасаси Жанубий Корея хукуматининг имтиёзли кредити ҳисобидан ўкув-лаборатория жиҳозлари, мультимедиа синфлари, радиотехника ва фотография анжомлари билан таъминланди. Ўрта маҳсус, қасб-хунар таълимини риҷоғлантириш лойиҳаси бўйича олиб келинган ушбу жиҳозларнинг умумий қиймати 475548 АҚШ долларини ташкил этади.

• Бухоро вилояти Шоғиркон туманидаги «Нажмиддин Наимжон» хусусий корхонаси хориждан харид қилинган замонавий технологиялар ҳисобига ўн турга яқин нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришини ўйла кўйди. Айни пайдат корхона кошида қандолат цехи ҳам ишга тушиб, ишловчилар сони 25 тага етказилди.

• Навоий вилоятида «Истъедод-2011» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Миллий қадриятларни эъзозлаш, тарихий анъаналар, урғодатларни ёшлар онгига сингдириш ҳамда халқимизнинг бой маданияти ва маънавиятини тарғиб этиш мақсадида ташкил этилган мазкур танлов саккиз йўналишини ўз ичига олди. Ҳакамлар ҳайяти томонидан голиб деб топилган 8 нафар ёш санъаткор танловнинг республика босқичига йўлланмаларни кўлга киритди.

• Австралиядаги тиммай ёғаётган ёмғир мамлакатда сув тошкенини юзага келтириди, деб хабар беради РАТА-ТАСС. Табиий оғат оқибатида асосан Янги Жанубий Ўэлс штатининг Иллаварри, Госфорд, Киами, Воллонгонга ҳудудлари катта талафот кўрган. Минглаб турархий бинолари сув остида қолган. Йўлларда автомобиль ҳаракати вактингча тўхтатилган. Айни дамда аҳоли хавфсиз ерларга кўчирилмоқда. Мамлакатнинг гарбий ҳудуди эса бўронлар гирдобида қолган. Кучли довул электр тармоғини ишдан қиқарган. Олтмиш мингга яқин бино электр кувватисиз қолган.

• Мексика кўрфазида пайдо бўлган янги деб нефть қувилиши аломатларини кўрсатмоқда. Мазкур деб 9,6 дан 9,6 километргача масофани эгаллаган. АҚШнинг қирғоқлари кўриклиш хизмати вакилининг сўзларига кўра, сув сиртидаги бундай деб таркибидағи модда ҳали ҳам номаълумлигича қолмоқда.

• Хиндишоннинг энг бой кишиси Мукеш Амбани АҚШнинг энг йирик банкваридан бири — «Bank of America» директорлар кенгаси таркибида киритиллади. Хиндишонлик тадбиркор кенгашнинг ўн тўртингчи, шу билан бирга дастлабки чет эллик аъзосига айланishi мумкин. Банк акционерларининг яқин орадаги биринчи йиғилиши апрель ойидаги ўтказилади.

• Хитойда сўнгги олти йил ичидаги 130 мингта интернет-кафе фаолияти тўхтатилган. «PCWorld»нинг хабарига қарагандага, уларнинг ноқонуний иш олиб боргани бунга сабаб бўлған.

• Европалик экологларнинг тахмин қилишларича, жорий йил баҳорида Арктика озон қатлами емирилиши рекорд кўрсаткичга етиши мумкин. Бу ҳақда «Science News» хабар тарқатган.

